



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАСАСАЛАРИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Дехқонбоева Санталат Турсунбаевна

Жиззах давлат педагогика

Университети.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7281244>

ARTICLE INFO

Received: 26th October 2022

Accepted: 01st November 2022

Online: 04th November 2022

KEY WORDS

Компетентлик, жаҳон саноат тармоқлари, учинчи Ренессанс, кластер, экспорт, педагогик муаммолар, тадқиқот, Илмий-методик билим.

Бугунги кунда дунёда замонавий кадрларнинг, хусусан, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали олий таълим сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашга эришилмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Барқарор ривожланиш мақсадлари” ҳамда Европа Иттифоқининг “Европа олий таълим макони” Концепциялари мазмунида “Компетентликка асосланган ва шахсга йўналтирилган таълим асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш” олий таълимнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Жаҳон саноат тармоқларини тизимли равишда модернизация қилиниши ва ишлаб чиқаришга янги технологияларнинг жорий этилиши, хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали маҳсулотнинг рақобатбардошлиги таъминланади.

ABSTRACT

Мақола компетентликка асосланган ва шахсга йўналтирилган таълим асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш ҳақида.

Мисол учун, ўз вақтида сифатли маҳсулотни экспорт қилиш орқали Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Гонгконг ва Хитой каби давлатлар иқтисодий ўсишга эришган. Юқорида номи қайд этилган давлатларнинг иқтисодий қудратининг асл моҳияти таълим тизимидаги туб ислоҳотлар бўлиб, айтилган дамда Ўзбеаистонда ҳам таълим тизимида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда “Учинчи Ренессанс” пойдевори қурилаётган, таълим соҳасида ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳамда таълим тизими тубдан модернизация қилинаётган бир даврда ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш сифатини ошириш муаммоси янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур педагогик муаммоларни ечими эса Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси



мазмунда куйидача белгилаб берилган:

Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишларни самарали йўлга қўйиш, иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштирокига етарли даражага аҳамият бериш;

ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотларни самарали ташкил этиш, тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражасини меҳнат бозорининг замонавий талабларига мослаштириш;

инновацион фаолият, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб этиш натижадорлиги кучайтириш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш; мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетентцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув

жараёнида амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида юқоридаги таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш борасида куйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ўқув режалари ва дастурлари мазмуни ҳамда мутахассислик фанлари бўйича соатлар тақсимотини кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари асосида шакллантириш;

битирув-малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини иқтисодиётнинг реал сектори, шунингдек ҳудудий (вилоят, туман, шаҳар, маҳалла, ҳудудий объект) муаммоларидан келиб чиқиб шакллантириш ҳамда мавзуларни тор қамровда чуқур тадқиқ қилишга ўтиш;

олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда кластер усулида фаолият юритишини ташкил этиш;

ишлаб чиқариш ривожланган ҳудудлар ва иқтисодий зоналарда олий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш.

Мазкур жараён модулли ёндашув асосида бўлажак кадрларда касбий компетентцияларини



шаклантиришнинг методик асослари яратиш асосида янада ўз тақомилига эга бўлиши тадқиқот муаммосининг асосини ташкил этади.

Компетентциянинг билимдан фарқи шундаки, вазифани амалий бажармасдан туриб, уни аниқлаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди. Малака

компетентликнинг муҳим мезони бўлиб, у турли ҳолатларда, шу қатори муаммоли вазиятларда ҳам бир неча бор қўллаш натижасида намоён бўлади. Ҳозирги пайтда олий ўқув юрти профессор-ўқитувчисидан талаб қилинадиган компетентлик қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

Профессор-ўқитувчидан талаб қилинадиган компетентлик турлари

№	Компетентлик турлари
1	Ўқитувчи томонидан ўз билимини мунтазам равишда бойитиб бориши
2	Ўзлаштирилган касбий билим, кўникма ва малакаларни тақомиллаштириб бориш
3	Фан ва техника янгиликларидан ҳабардор бўлиш
4	Ўқув жараёнига АКТ и самарали татбиқ эта олиш
5	АКТ ва ўқитиш воситаларининг барча турини қўллаш олиш кўникма ва малакасига эга бўлиш
6	Ўзлаштирилган ва мустақил фаолият (мустақил фикр, мақсад қўйиш, ўқув адабиёти ва қўшимча манбалардан тўғри фойдалана олиш)
7	Ташаббускорликда ўз ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис қила олиш
8	Мустақил фикр юрита олиш ва дарс жараёнида юзага келган муаммоли вазиятларни ижобий ҳал эта олиш
9	Ҳамкорлик, ўзаро бир-бирини тушуниш, эмпатия билдириш
10	Ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган педагогик мулоқотни ўрната олиш
11	Чуқур касбий билимдонликка эга бўлиш
12	Илмий ва дунёвий билимларга эга бўлиш
13	Касб маданиятига эга бўлиш
14	Юксак маънавиятли шахс сифатида шаклланиши

Ҳозирги замон олий таълим муасасаси профессор-ўқитувчисининг касбий компетентли негизида касбий

билимдонлиги ва қобилияти ўз аксига эга бўлиб, улар қуйидаги мезонлар асосида аниқланади:

Касбий билимдонлиги ва қобилияти мезонлари



№	Билимдонлик турлари	Мазмуни
1	Илмий-назарий билимдонлик	Дарс мобайнида аудитория билан самарали ўзаро муомала шаклини ташкил эта олиш, ёшлар билан ўзаро ижобий муносабатни ўрната олиш ва соғлом маънавий муҳитни ҳосил қила олиш қобилияти.
2	Илмий-методик билимдонлик	Барча билимларини ёшларга тушунарли, раво тилда етказа олиши, таълим технологияси ва методларидан самарали фойдаланиши
3	Мутахасислик бўйича билимдонлиги	Ўз фани ва предмети соҳаси бўйича чуқур ва ҳар томонлама мукамал билимларга эга бўла олиши, ўз устида ишлаш қобилияти
4	Билиш қобилияти	Бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни хашиша кузат иб боради, материални мукамал билади, унга ниҳоятда қизиқади, илмий тадқиқот ишларини ҳам бажаради.
5	Тушунтира олиш қобилияти	Ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиш, ўқувчиларда мустақил равишда тўғри фикрлашга қизиқиш уйғота билиш.
6	Кузатувчанлик қобилияти	Талаба шахсини ва унинг вақтинчалик рухий ҳолатларини тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанлик. Бундай ўқитувчи кичкинагина аломатлар, унча катта бўлмаган ташқи белгилар асосида ўқувчининг руҳиятндаги кўз илғамас ўзгаришларни ҳам фахмлаб олади.
7	Педагогик нутқ қобилияти	Нутқ ёрдамида, шунингдек имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалашдир.
8	Ташкилотчилик қобилияти	Талабалар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришни, иккинчидан, ўз ишини уюштиришни назарда тутати. Ўз ишини ташкил этиш деганда ишни тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда тутилади.

Профессор-ўқитувчи ўзини эгаллаб турган лавозими даражасида касбий компетентликка эга эканлигини ҳис этгандагина педагогик жараёни муваффақиятли ташкил этиши мумкин,

деган хулосага келдик. Зотан уни касбий билимдонлик, ҳалоллик, ростгуйлик, изланувчанлик, тинимсиз сермахсул меҳнат, ижодкорлик ва яратувчанлик каби фазилатлар



юксалтиради. Унинг билимдонлиги,
фаоллиги, меҳнаткашлиги, камтарлиги,
маънавияти ва маданияти,

маърифатлилиги талабалари, бўлажак
касб эгаларининг ҳурмат-эҳтиромига
сазovor этади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017- йил 20-апрелдаги “Олий талим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909 сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси 464-1-сон 1997 йил 29-августдаги “Талим тўғрисида” ги қонуни.
3. Узвийлаштирилган Давлат талим стандарти ва ўқув дастури. Т 2010 й 34 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар таёрлаш миллий дастури” // Олий талим меёрий ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар топлами Тошкент 2004 -12 б